ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.09.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

РАҲМАТУЛЛАЕВ АНАСБЕК МУХАММАДЖАНОВИЧ

ЧЕКЛИ РАДИУСЛИ ЎЗАРО ТАЪСИРЛАНУВЧИ ПОТЕНЦИАЛЛИ МОДЕЛЛАР УЧУН ГИББС ЎЛЧОВЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2019

УДК: 517.98

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.09.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

РАҲМАТУЛЛАЕВ АНАСБЕК МУХАММАДЖАНОВИЧ

ЧЕКЛИ РАДИУСЛИ ЎЗАРО ТАЪСИРЛАНУВЧИ ПОТЕНЦИАЛЛИ МОДЕЛЛАР УЧУН ГИББС ЎЛЧОВЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM53 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ғанихужаев Носир Набиевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Закиров Ботир Сабитович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Рахимов Абдуғофир Абдумажидович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.09.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2019 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор,
академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.ф.д.

В.И. Чилин
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда Гиббс ўлчовлари назариясига боғлиқ масалаларни тадқиқ қилишга келтирилади. Химия, физика, биоинформатика, медицина ва бошқа кўплаб йўналишларда, хусусан статистик механика моделларининг фаза алмашишларини таснифлашда Гиббс ўлчовлари назарияси самарали ҳисобланади. Панжарали классик системаларда Гиббс ўлчовларини тадқиқ қилиш ва ўлчовларни давом эттириш ҳақидаги натижалар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун панжарали системаларда аниқланган турли моделлардаги парамагнетик фазалар синфида лимит Гиббс ўлчовларини аниқлаш, уларни тўлиқ таснифлаш долзарб ва муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда панжарали системаларда маълум бир гамильтониан учун мос парамагнетик Гиббс тақсимоти мавжудлик шартларини топиш, барча ҳолларга мос парамагнетик Гиббс тақсимотлари тўпламини таснифлаш, қандай шартларда парамагнетик фаза ўтишлари борлигини аниқлаш асосий масалалардан биридир. Парамагнетик фаза ўтишлари бу қаралаётган моделнинг кўз билан сезиб, кўриб бўлмайдиган хосилавий хоссаларини ўзгаришлари бўлиб, моделнинг фазавий ўтишларни таснифлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, берилган гамильтониан учун мос лимит Гиббс ўлчовларини қуриш, уларни четки лимит Гиббс ўлчови бўлишлик шартларини аниқлаш, фаза диаграммасини тўла ажратиш, унда ҳосил бўлган фазалар синфини, хусусан, парамагнетик фазалар тўпламини тўла таснифлаш, статистик механикадаги турли моделлар учун барча трансляцион-инвариант, даврий ва кучсиз даврий асосий ҳолатлар, Гиббс тақсимотлари ва лимит Гибсс ўлчовларининг мавжудлик шартларини топиш ва мос аниқ критик температураларни аниқлаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларниниг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган статистик физика ва квант механиканинг долзарб йўналишларидан бири бўлган парамагнетик жисмлар учун фаза ўтишлари мавжудлигини кўрсатиш ва уларни тўлиқ таснифлаш масалаларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, чекли ва чексиз тартибдаги Кэли дарахтларида спин қийматлари чекли ва чексиз бўлган моделлар учун Гиббс ўлчовларига доир салмоқли натижаларга эришилди. «Функционал анализ, математик физика ва статистик физика» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда панжарали системаларда аниқланган моделлар учун Гиббс ўлчовлари назариясини ривожлантириш мухим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «[1] Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682 «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387 «Математика таълими ва фанларин янада ривожлантирини давлат томонидан қўллаб қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фааолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Z^{ν} панжаранинг чекли қисм тўпламлари учун аниқланган Гиббс ўлчови тушунчаси биринчи бўлиб Дж.У.Гиббснинг ишларида баён этилган. Z^{ν} да Марков тасодифий майдони таърифи биринчи бўлиб Добрушин томонидан киритилган. Кейинчалик Спитцер ва Аверинцевлар Z^{ν} нинг ҳар қандай чекли тўпламостиси учун Марков тасодифий майдони синфи яқин қўшнили Гиббс ҳолатлари билан мос тушишини кўрсатишган. Марков тасодифий майдонлари ва яқин қўшнили Гибсс ҳолатлари эквивалентлиги биринчи бўлиб Хаммерсли ва Клиффорд томонидан исботланган. Бунинг янада мукаммал ва қисқа исботлари Престон, Гриммет ва Шерманлар томонидан берилган.

Н.Н.Боголюбов, Б.И.Хацет, Д.Я.Петрин, Р.А.Минлос, Д.Рюэлларнинг мақолаларида Гиббс ўлчовлари аниқланган. Р.Л.Добрушин, О.Ленфорд ва Д.Рюэллар томонидан Гиббс ўлчовининг умумий таърифи берилган. Лимит Гиббс ўлчовлари эҳтимоллик нуқтаи назаридан К.Престон ишларида келтирилган. Лимит Гиббс ўлчовлари мажудлиги ҳақидаги теорема Р.Л.Добрушин томонидан исботланган. К.М.Ханин томонидан бу теоремани квант майдон назариясидаги панжарали моделлар учун фойдаланилиши кўрсатилган. Р.Л.Добрушин томонидан ҳар бир лимит Гиббс ўлчовига физик системанинг бир фазаси мос қўйилиши исботланган ва берилган модель учун биттадан ортиқ лимит Гиббс ўлчови мавжуд бўлса фаза ўтиши мавжудлиги кўрсатилган.

П.М.Блехер, Н.Н.Ганиходжаев, К.Престон, У.А.Розиков, Ф.М.Мухамедов, Ф.Спицер ва Ю.Суховлар томонидан Кэли дарахтидаги моделларни ўрганиш ҳақида трансляцион-инвариант ва даврий лимит Гиббс ўлчовлари (Изинг, Поттс, SOS, Hard-Core, $\lambda-$модель ва ҳ.к.) Марков тасодифий майдони назарияси ва унинг рекуррент тенгламаси ечимлари ўрганилган, нодаврий баъзи Гиббс ўлчовлари топилган. Кэли дарахтида аниқланган жуда кенг синфдаги гамильтонианлар учун мос моделларнинг асосий ҳолатлари Синай ва Пирогов ишларида контур усули орқали аниқланган. Н.Н.Ганиходжаев, У.А.Розиков, Ф.М.Мухамедов, О.Н.Хакимовлар томонидан Кэли дарахтида аниқланган $p-$адик Изинг, Поттс ва $\lambda-$моделлар ва бу моделларнинг баъзи умумлашмалари учун параметрнинг фаза ўтишлари мавжуд ва мавжуд бўлмайдиган қийматлари келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институтининг Ф4-ФА-Ф013 «Ноассоциатив ва операторлар алгебралари, динамик системалар, ҳамда уларнинг статистик физика ва популяцион биологияга тадбиқлари» (Тошкент, 2012-2016 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чекли панжарали системаларда чекли таъсирланувчи потенциалли модел учун Гиббс ўлчови ва мос таъсирли Марков занжири орасидаги боғланишни топиш; Кэли дарахтида Изинг ва Поттс моделлари учун парамагнетик фазалар синфида трансляцион-инфариант ва даврий лимит Гиббс ўлчовлари тўпламини таснифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

I муносабатли потенциалли Гиббс ўлчовлари, I хотирали Марков тасодифий майдонлари ва I муносабатли ўлчов тушунчаларини киритиш (I тўплам $\{1,2,...,k\}$ нинг қисм тўплами). Бу тушуначалар орасидаги муносабатни тадқиқ этиш.

I муносабатли потенциал бўлишлилик критерийсини топиш.

Кели дарахтида аниқланган Изинг типидаги модел ва Поттс моделлари учун трансляцион-инвариант лимит Гиббс ўлчовларини таснифлаш.

Ўрганилаётган моделлар учун даврий (трансляцион-инвариант бўлмаган) лимит Гиббс ўлчовларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти чекли циклсиз панжара, ярим чексиз Кели дарахтида аниқланган Изинг, Поттс моделларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети:

I муносабатли потенциалли Гиббс ўлчовлари, I хотирали Марков тасодифий майдонлари; Изинг ва Поттс моделлари учун парамагнетик фазалар синфида трансляцион-инвариант ва даврий лимит Гиббс ўлчовлари.

Тадқиқотнинг усуллари:

Тадқиқот ишида марков тасодифий микдорлар назариясига ҳамда шу назариянинг рекуррент тенгламаларига асосланган усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, ўлчовлар назарияси, функционал ва математик анализ, чизиқли алгебра, қисқартириб акслантириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мос I муносабатли потенциалли гиббс ўлчови тушунчаси, I хотирали Марков тасодифий майдони тушунчаси ва I муносабатли ўлчов тушунчаси киритилган ва бу учта тушунчанинг ўзаро эквивалентлиги исботланган;

берилган потенциалнинг I муносабатли потенциал бўлишлилиги критериясини берувчи теорема исботланган;

Кэли дарахтида аниқланган Изинг ва Поттс типидаги моделлар учун F акслантиришнинг инвариант соҳаси ажратиб олинган ва мос трансляцион-инвариант ва даврий лимит Гиббс ўлчовлар топилган;

қачон ягона ва қачон аниқ учта парамагнетик фазалар мавжуд бўладиган соҳалар аниқланган ҳамда қаралаётган ҳар бир модель учун мос равишда 2-даврий лимит Гиббс ўлчовлари мавжуд бўлмайдиган ва аниқ иккита 2-даврий лимит Гиббс ўлчовлари мавжуд бўладиган соҳалар топилган;

саноқсиз сондаги даврий бўлмаган фазалар мавжудлиги ҳақидаги теорема исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

I муносабатли ўлчов киритиш усули ёрдамида I муносабатли потенциалли Гиббс ўлчови ва I хотирали Марков тасодифий майдони эквивалентлиги исботланган;

Кўп ўзгарувчили параметрик функционал тенгламалар системасини таҳлил қилиш ёрдамида парамагнетик ва модулланган фазалар синфида фазавий ўтиш мавжуд бўлишигини таъминлайдиган параметрнинг аниқ қиймати топилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Функционал анализ ва ўлчовлар назарияси, марков тасодифий майдонлар назарияси ва эҳтимоллар назарияси усулларидан ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фазафий ўтишларнинг мавжудлигини ўрганиш динамик системалар назариясини ривожлантиришда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти физик системаларда кўз билан кўриб бўлмайдиган ҳолатлар ўзгаришини аниқлаш имкониятини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Чекли радиусли ўзаро таъсирланувчи потенциалли моделлар учун Гиббс ўлчовларини тадқиқ этиш асосида олинган натижалар асосида:

«парамагнетик» фазалар бўйича олинган натижалар FRGS/1/2017/STG06/UIAM/02/1 рақамли «The chaos implies the phase transition: p-adic dynamical system approaches to the quest for a new class of p-adic Gibbs measure» хорижий лойиҳасида янги типдаги Гиббс ўлчовларини аниқлашда фойдаланилган (Малайзия Халқаро ислом университетининг 2019 йил 27 майдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши чекли радиусли потенциалли Гиббс ўлчовларини таснифлаш имконини берган;

парамагнетик ва модулланган фазалар синфида фазавий ўтиш мавжуд бўлишлигини таъминлайдиган параметрнинг аниқ қийматларидан UAEU, Grant, 31S259 рақамли «Infinite dimensional orthogonal preserving quadratic stochastic operators» хорижий лойиҳасида соф фазалар топишда фойдаланилган (Бирлашган Араб Амирликлари университетининг 2019 йил 17 июндаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши чексиз моделларда фазавий ўтишларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Тадқиқот мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 83 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Бошланғич маълумотлар ва натижалар” деб номланувчи биринчи бобида чекли тўпламда аниқланган Гиббс тақсимотлари ва Марков тасодифий майдонлари, шунингдек диссертацияда олинган натижаларни ёритишда фойдаланиладиган Гиббс ўлчови таърифи келтирилган.

1.1.параграфда Престон монографиясига асосланган ҳолда чекли тўплам учун Гиббс ҳолатлари ва Марков тасодифий майдонлари тушунчасини келтирилган.

$\Lambda -$ чекли тўплам, $P(\Lambda) -$бу тўпламнинг тўплам остилари тўплами бўлсин. Λ тўплам нуқталари баъзилари заррача билан банд, баъзи бирлари бўш бўлган тугунлар сифатида қараш мумкин. $A \in P(\Lambda)$ тўплам модел ҳолатини аниқлайди деймиз, агар A тўплам нуқталари банд, $\Lambda \backslash A$ тўплам нуқталари эса бўш бўлса. $P(\Lambda)$ тўплам элементлари баъзан *конфигурация* деб аталади. Биз ўрганадиган эҳтимоллик ўлчовлари модел қандайдир диманик мувозанатдаги конфигурация тақсимотига мос келади.

“Лимит Гиббс ўлчовлари” деб аталувчи 1.2. параграфда биз 1.1 параграфдаги ҳолатларни граф саноқли учлари бўлган ҳолда зарур маълум фактлар келтирилган. Синай монографиясига асосланган ҳолда чексиз (саноқли) тўпламларда лимит Гиббс ўлчовлари ҳақида асосий маҳлумотлар келтирилган:

Қуйидаги

$$H(\varphi) = \sum_{V \subset Z^d} \tau(\varphi(V)) = \sum_{x \in Z^d} U(\varphi(x) : \varphi(y), x \neq y),$$

формал қатор гамильтониан деб аталади. Бу ерда йиғинди барча бўш бўлмаган чекли V қисм тўпламлар бўйича.

H гамильтониан берилган ва ҳар бир A учун $\Omega(A)$ конфигурациялар фазосида Φ тўпламдаги χ ўлчовларнинг тўғри кўпайтмаси бўлган ўлчов аниқланган бўлсин. Ҳар бир чекли A тўплам учун қуйидагича $\sigma(V-A)$ конфигурацияни қараймиз: $H(\sigma(A)|\sigma(V-A))$ ихтиёрий $\sigma(A)$ учун чекли, ҳамда қуйидаги интеграл

$$\Xi=\int \exp\{-H(\sigma(A))-H(\sigma(A)|\sigma(V-A))\}\prod_{s\in A} d\chi(\sigma(s)). \qquad (1)$$

ҳам чекли бўлсин. Бу интеграл статистик сумма дейилади.

Таъриф 1. $\sigma(A)$ конфигурациялар $\Omega(A)$ фазосида аниқланган, $\prod_{s\in A} d\chi(\sigma(s))$ ўлчов бўйича зичлик функцияси

$$\begin{aligned} p(\sigma(A)|\sigma(V\setminus A)) &= \Xi^{-1}\exp\{-H_A(\sigma)\}, \\ H_A(\sigma) &= H(\sigma(A))+H(\sigma(A)|\sigma(V\setminus A)). \end{aligned} \qquad (2)$$

бўлган эҳтимолликлар тақсимотига A хажмдаги шартли Гиббс ўлчови дейилади.

Қуйидаги таъриф барча Гиббс ўлчовлари назариясининг марказий таърифи ҳисобланади.

Таъриф 2. Ω фазодаги P эҳтимолликлар тақсимоти H гамильтонианга мос лимит Гиббс ўлчови дейилади, агар ихтиёрий чекли $A\subset V$ учун

1) $H(\sigma(A)|\sigma(V\setminus A))$ ва Ξ лари чекли бўлган барча $\sigma\in\Omega$ конфигурацияларнинг $P-$эҳтимоллиги 1 бўлса;

2) Фиксирланган $\sigma(V-A)$ чегаравий шарти бўлган $\Omega(A)$ даги P тақсимот билан индуцирланган шартли тақсимот $P-$эҳтимоллиги 1 билан абсолют узлуксиз, ҳамда унинг бу ўлчовга нисбатан зичлиги қуйидагича:

$$p(\sigma(A)|\sigma(V\setminus A))=\frac{\exp\{H_A(\sigma)\}}{\Xi}=\frac{\exp\{-H(\sigma(A))-H(\sigma(A)|\sigma(V\setminus A))\}}{\Xi}. \qquad (3)$$

$\Phi-$метрик компакт бўлсин. У ҳолда Тихонов теоремасига кўра $\Omega-$ҳам тўғри кўпайтмалар топологиясида метрик компакт бўлади. Ҳар қандай чекли $A\subset V$ тўплам учун $H_A(\sigma)=H(\sigma(A))+H(\sigma(A)|\sigma(V\setminus A))$ функция Ω да аниқланган, узлуксиз ва χ чекли ўлчов бўлсин.

Теорема 1. Юқорида келтирилган шартларда H учун камида битта лимит Гиббс ўлчови мавжуд.

Энди Кэли дарахти таърифини келтирамиз. $k\geq 1$ тартибли T^k Кэли дарахти (Бете панжараси) бу чексиз дарахт, яъни ҳар бир учидан $k+1$ дона қирра чиқувчи циклсиз графдир. $T^k=(V,L)$, бу ерда V граф T^k нинг учлари тўплами, L - қирралар тўплами. Иккита x,y учлар яқин қўшнилар (NN) дейилади, агар уларни туташтирувчи $l\in L$ қирра мавжуд бўлса, ҳамда

$l=\langle x,y\rangle$ белгиланади. $\langle x,x_1\rangle,...,\langle x_{d-1},y\rangle$ жуфтликлар коллекцияси x дан y гача бўлган йўл дейилади. У ҳолда x дан y гача бўлган йўлларнинг энг қисқаси $d(x,y), x,y\in V$ ни x дан y гача бўлган масофа дейилади.

Ихтиёрий $x^0\in V$ учун

$$W_n=\left\{x\in V \mid d\left(x,x^0\right)=n\right\},\quad V_n=\bigcup_{k=0}^{n}W_k$$

бўлсин.

$$S(x)=\{y\in W_{n+1}:d(x,y)=1\},\ x\in W_n,$$

тўплам x нинг тўғри авлодлари тўплами дейилади.

Берилган гамильтониан учун барча Гиббс ҳолатлари тўплами барча тақсимотларнинг бўш бўлмаган қавариқ компакт қисм тўплами бўлади. Демак, четки Гиббс ўлчовларини ўрганиш табиий масаладир. Бу масала жуда қийин бўлиб, фақатгина баъзи ҳоллардагина жуда кичик β лар учунгина охиригача ечилган.

Шунинг учун аввалига, ҳеч бўлмаганда βH гамильтонинан учун даврий ёки трансляцион-инвариант лимит Гиббс ўлчовларини топиш масаласи туради.

Иккинчи бобда $|A|$ қуввати k дан ошмаган A чекли тўпламостиларида ўзаро таъсир потенциали J_V нолдан фарқли бўлган V потенциаллар ўрганилган ва улар орасидан I муносбатли потенциаллар ажратиб олинган. Бу ерда I тўплам $\{1,2,...,k\}$ нинг қисм тўплами. Сўнгра I хотирали Марков тасодифий майдони ва I муносабатли ўлчов тушунчалари киритилган. Бу тушунчалар орасида баъзи муносабатлар топилган.

$\Lambda-$чекли тўплам ва $P(\Lambda)-$унинг барча қисм тўпламлари тўплами бўлсин.

Қуйидаги хоссаларга эга бўлган $f_i:\underbrace{\Lambda\times\Lambda\times...\times\Lambda}_{i\ раз}\to\{0,1\},\ i=1,...,|\Lambda|$ функциялар оиласини кўрамиз. (бу ерда $|\cdot|-$тўплам элементлари сони):

1. $f_i(x_1,...,x_j,...,x_k,...,x_i)=f_i(x_1,...,x_k,...,x_j,...,x_i)$ ихтиёрий $j,k=1,...,i;$
2. $f_i(x_1,x_2,...,x_i)=0,$ агар $\exists j,k=1,...,i\ :\ x_j=x_k$.

$x\in\Lambda$ учун

$$\partial_i x=\bigcup_{\{y_1,y_2,...,y_{i-1}\}\subset\Lambda\setminus\{x\}:\,f_i(y_1,y_2,...,y_{i-1},x)=1}\{y_1,y_2,...,y_{i-1}\}$$

ва $A\in P(\Lambda)$ учун

$$\partial_i A = \left(\bigcup_{x \in A} \partial_i x \right) \setminus A$$

деб аниқлаймиз.

$I \subset \{1,2,...,|\Lambda|\}$ бўлсин. Қуйидагича белгилаш киритамиз

$$\partial_I A = \bigcup_{i \in I} \partial_i A, \ \ \partial_I x = \bigcup_{i \in I} \partial_i x.$$

$B \in P(\Lambda)$ бўш бўлмаган тўплам $i-$*симплекс* дейилади, агар ихтиёрий $y_1, y_2, ..., y_i \in B$ ($y_j \neq y_k$, агар $j \neq k$) учун $f_i(y_1, y_2, ..., y_i) = 1$ бўлса.

Функция $V: P(\Lambda) \to R$ Λ да аниқланган потенциал дейилади, агар $V(\varnothing) = 0$. $V: P(\Lambda) \to R$ потенциал ва $J_V: P(\Lambda) \to R$ мос ўзаро таъсир потенциали бўлсин.

Ихтиёрий $A \in P(\Lambda)$ учун

$$V(A) = \sum_{B \subset A} J_V(B). \tag{4}$$

Потенциал V i *муносабатли потенциал* деймиз, агар $J_V(A) \neq 0$, фақатгина A тўплам i-симплекс бўлгандагина бажарилса. V_i Λ даги i муносабатли потенциал бўлсин. Агар потенциал V ҳар бир $i \in I \subset \{1, 2, ..., |\Lambda|\}$ учун i муносабатли потенциал бўлса уни I *муносабатли потенциал* деб атаймиз ва V_I каби белгилаймиз.

$P(\Lambda)$ тўплам элементларини *конфигурация* дейилади. $P(\Lambda)-$чекли тўплам бўлганлиги учун Λ да аниқланган эҳтимоллик ўлчовларни қуйидаги шартларни бажарувчи $\mu: P(\Lambda) \to R$ функция сифатида қараса бўлади:

1) $\mu(A) > 0$ барча $A \in P(\Lambda)$ учун;

2) $\sum_{A \subset \Lambda} \mu(A) = 1$.

$M(\Lambda)$ барча $P(\Lambda)$ даги эҳтимоллик ўлчовлари тўплами бўлсин. Қуйидаги эҳтимоллик ўлчовларини кўрамиз:

1) *Гиббс ўлчови.* $P(\Lambda)$ да аниқланган V потенциалли *Гиббс ўлчови* қуйидагича аниқланади:

$$\mu(A) = Z^{-1} \exp V(A) \text{ барча } A \in P(\Lambda) \text{ учун,}$$

$Z-$нормаллаштирувчи константа.

2) I *хотирали Марков тасодифий майдони.* μ ўлчовни I хотирали Макров тасодифий майдони деймиз, агар

а) $\mu(A) > 0$ ихтиёрий $A \in P(\Lambda)$ учун;

б) $x \notin A \subset \Lambda$ бўлсин; у ҳолда $\Lambda \setminus x$ даги конфигурация A тенглиги шартида конфигурация x ни ўз ичига олиш шартли эҳтимоллиги (μ га нисбатан) $A \cap \partial_I x$ даги конфигурация $\partial_I x$ эканлиги шартида конфигурация x ни ўз ичига олиш шартли эҳтимоллиги билан тенг бўлади, яъни

$$\frac{\mu(A\cup x)}{\mu(A\cup x)+\mu(A)}=\frac{\sum\limits_{B\subset\Lambda\setminus(\partial_I x\cup x)}\mu((A\cap\partial_I x)\cup x\cup B)}{\sum\limits_{B\subset\Lambda\setminus(\partial_I x\cup x)}\mu((A\cap\partial_I x)\cup x\cup B)+\mu((A\cap\partial_I x)\cup B)}. \quad (5)$$

3) *I муносабатли ўлчов.* μ I муносабатли ўлчов дейилади, агар

а) $\mu(A)>0$ ихтиёрий $A\in P(\Lambda)$ учун;

б) агар $x\notin A\subset\Lambda$, у ҳолда

$$\frac{\mu(A\cup x)}{\mu(A)}=\frac{\mu((A\cap\partial_I x)\cup x)}{\mu(A\cap\partial_I x)}.$$

2.2 параграфнинг асосий натижаси қуйидаги

Теорема 2. $\mu\in M(\Lambda)$ ўлчов учун қуйидаги ўлчовлар эквивалент:

i) $\mu-$ V_I потенциалли Гиббс ўлчови;

ii) $\mu-$ I хотирали Марков тасодифий майдони;

iii) $\mu-$ I муносабатли ўлчов.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида потенциал учун критерий исботланган.

2.3 параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремадир.

Теорема 3. Λ даги V потенциал I муносабатли потенциал бўлади фақат ва фақат, қачонки ихтиёрий $x_2,...,x_{i-1}\in\Lambda, x_j\neq x_k, j\neq k, i\in I$ ларда $f_i(x,x_2,...,x_{i-1},y)=0$ қилувчи ҳар қандай $x,y\in\Lambda$ жуфтлик учун ва ихтиёрий $X\subset\Lambda\setminus(x\cup y)$ тўплам учун қуйидаги тенглик ўринли бўлса

$$V_I(X\cup x\cup y)-V_I(X\cup x)-V_I(X\cup y)+V_I(X)=0.$$

Бундан ташқари теорема 3 ни демонстрация қилувчи мисоллар келтирилган.

“Рақобатлашувчи ўзаро таъсирли Изинг ва Гиббс моделлари учун парамагнетик Гиббс ўлчовлари” деб аталувчи учинчи бобда лимит Гиббс ҳолатларини ўрганиш зарурияти пайдо қилувчи саноқли граф қаралган. Бу масала Изинга ва Поттс моделлари учун ўрганилган.

3.1 параграфда модел ва статистик йиғинди таърифи келтирилган.

Кели дарахтида J_1 – яқин қўшнилар, J_2 – бўйлама иккинчи қўшнилар ва J_3 – бир этаждаги иккинчи қўшнилар рақобатлашувчи ўзаро таъсирли Изинг типидаги модел қараймиз. Бу ерда спин қийматлари $\Phi=\{-1,+1\}$ тўпламдан иборат. V даги σ конфигурация $x\in V\to\sigma(x)\in\Phi$ функция сифатида аниқланади. Барча конфигурациялар тўпламини Φ^V билан белгилаймиз. Моделнинг формал гамильтониани қуйидагиформула билан аниқланади:

$$H(\sigma)=-J_1\sum_{\langle x,y\rangle\in L}\sigma(x)\sigma(y)-J_2\sum_{>\tilde{x},y<\in L}\sigma(x)\sigma(y)-J_3\sum_{>\overline{x,y}<\in L}\sigma(x)\sigma(y), \quad (6)$$

бу ерда $J_1, J_2, J_3 \in R$ лар мос равишда яқин ва иккинчи қўшнилар ўзаро таъсирлари. $< x, y >, > \tilde{x}, y <$ ва $> \overline{x, y} <$ эса мос равишда яқин, бўйлама иккинчи ва бир этаждаги иккинчи қўшниларнинг белгиланишидир.

Қуйида (6) моделни 2-тартибли ярим чексиз Кели дарахтида, битта x_0 учидан иккита, қолган учларидан учтадан қирра чиқувчи, циклсиз чексиз графда қараймиз.

Янги белгилашлар киритамиз: $a = \exp(2J_1\beta)$, $b = \exp 2(J_2\beta)$, $c = \exp(-2J_3\beta)$. Қуйидаги лемма исботланган

Лемма 1.

$$ax = \frac{b^2x^2 + 2bcx + 1}{b^2 + 2bcx + x^2}$$

тенглама ($x \geq 0, a > 0, b > 0, c > 0$) ягона илдизга эга, агар ёки $b \leq \sqrt{1+\sqrt{3}}$, ёки $b > \sqrt{1+\sqrt{3}}$ ва $c \geq \frac{\sqrt{4b^6 - 6b^4 + 4b^2 - 4} - 4b}{4b^2 + 2}$. Агар $b > \sqrt{1+\sqrt{3}}$ в $c < \frac{\sqrt{4b^6 - 6b^4 + 4b^2 - 4} - 4b}{4b^2 + 2}$ бўлса, у ҳолда $0 < \eta_1(b,c) < \eta_2(b,c)$ шартни бажарувчи шундай $\eta_1(b,c), \eta_2(b,c)$ лар топиладики, агар $\eta_1(b,c) < a < \eta_2(b,c)$ бўлса тенглама учта илдизга эга; агар ёки $a = \eta_1(b,c)$ ёки $a = \eta_2(b,c)$ бўлса иккита илдизга эга. Бу ерда

$$\eta_i(b,c) = \frac{1}{x_i}\frac{b^2x_i^2 + 2bcx_i + 1}{b^2 + 2bcx_i + x_i^2},$$

x_1, x_2 лар бўлса қуйидаги тенглама илдизлари:

$$b^2x^4 + 4bcx^3 + \left(4b^2c^2 - b^4 + 2\right)x^2 + 4bcx + b^2 = 0.$$

$$T_c = \frac{2J_2}{\ln\sqrt{1+\sqrt{3}}}, \quad J_2 > 0 \text{ бўлсин.}$$

Бу параграфнинг асосий натижаси қуйидаги

Теорема 4. Агар $b \geq 1$ бўлса модель (6) да ягона трансляцион-инваривант лимит Гиббс ўлчови мавжуд. Агар $b < 1$ бўлса ва (J_1, J_2, J_3) лар лемма 1 шартларини қаноатлантирса, у ҳолда аниқ учта трансляцион-инваривант лимит Гиббс ўлчови мавжуд, яъни фаза ўтишлари содир бўлади.

3.3 параграфда қаралаётган модел учун даврий Гиббс ўлчовлари ўрганилан.

$$B = 2a^2b^3c + 4b^2c^2a + b^4a - a + 2b^3c,$$

$$D = B^2 - 4b^2\left(a^2 + 2abc + b^2\right)\left(a^2b^4 + 2ab^3c + b^2\right)$$

$$C = \frac{-b^3\left(a^2+1\right) + \sqrt{b^6\left(a^2+1\right) + 4a^2b^2c^2\left(1-b^4\right)}}{8b^2c^2a}.$$

бўлсин.

Параграфнинг асосий натижаси қуйидагилар:

Теорема 5. 1) Агар $b \geq 1$ бўлса, у ҳолда модель (6) учун даври 2 га тенг даврий Гиббс ўлчовлари мавжуд эмас;

2) агар $b<1,\ c \in (0,C)$ ва $D>0$ (мос равишда $D=0$) бўлса, у ҳолда аниқ иккита (мос равишда ягона) даври 2 га тенг даврий Гиббс ўлчовлари мавжуд.

Теорема 6. Модель (6) (M_1 инвариант тўпламда) S континуум тўпламли μ_u даврий бўлмаган лимит Гиббс ўлчовларига эга, бу ерда $u \in M_1 \setminus (Fix(F) \cup Per_2(F))$. Бундан ташқари бу даврий бўлмаган лимит Гиббс ўлчовлар қисм тўпламларга қуйидагича классификацияланади:

$$S_x = \left\{ \mu_u : u \in M_1 \setminus \left(Fix(F) \cup Per_2(F) \right), бу\ \ ерда\ \lim_{n\to\infty} F^n(u) = u^*(x) \right\},$$

x нуқта $f(x)$ нинг тортувчи қўзғалмас нуқтаси,

$$S_y^{per} = \left\{ \mu_u : u \in M_1 \setminus \left(Fix(F) \cup Per_2(F) \right)\ бу\ ерда\ \lim_{n\to\infty} F^{2n}(u) = u^{per}(y) \right\},$$

y нуқта $g(x)=f(f(x))$ нинг тортувчи қўзғалмас нуқтаси.

3.4 параграфда Поттс модели ва статистик йиғинди аниқланган.

Иккинчи тартибли ярим чексиз T^2 Кели дарахти берилган. Спин қийматлари $\Phi = 1,2,3$қабул қилувчи, ҳамда J_1 – яқин қўшни ва J_p – бўйлама иккинчи қўшнилари ўзаро таъсирли Гамильтонианли

Бу ерда формал гамильтониан қуйидаги кўринишда:

$$H(\sigma) = -J_1 \sum_{\langle x,y\rangle \in L} \delta_{\sigma(x)\sigma(y)} - J_p \sum_{>\tilde{x},y<} \delta_{\sigma(x)\sigma(y)}, \qquad (7)$$

$J_1, J_p \in R$ лар мос $\langle x,y\rangle$ яқин қўшнилар ва $>\tilde{x},y<$ бўйлама иккинчи қўшнилар ўзаро таъсирлари.

$a=\exp(J_1\beta)$, $b=\exp(J_p\beta)$ бўлсин.

Қуйидаги $F: u=(u_1,u_2,u_3,u_4,u_5) \in R_+^5 \to F(u)=(u_1',u_2',u_3',u_4',u_5') \in R_+^5$ акслантиришни қараймиз:

$$\begin{aligned} u_1' &= a(bu_1+2u_2)^2 \\ u_2' &= (bu_3+u_4+u_5)^2 \\ u_3' &= (u_1+(b+1)u_2)^2 \\ u_4' &= a(u_3+bu_4+u_5)^2 \\ u_5' &= (u_3+u_4+bu_5)^2, \end{aligned} \qquad (8)$$

3.5 параграфда Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларини, яъни акслантиришнинг қўзғалмас нуқталарини топамиз F.

Парамагнетик фазаларда, $u_1 = u_4$ ва $u_2 = u_3 = u_5$ бўлади.

$$M = \{u = (u_1, u_2, u_3, u_4, u_5) \in R^5_+ : u_1 = u_4, u_2 = u_3 = u_5\}$$

тўплам F акслантиришга нисбатан инвариант бўлади.

Биз F акслантиришнинг M даги қўзғалмас нуқталарини топамиз. . Бу тўпламда $F(u) = u$ тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$x = f(x) = \frac{1}{2a}\left(\frac{(b+1)x+2}{b+x}\right)^2. \qquad (9)$$

Янги белгилашлар киритамиз $\tilde{a} = \frac{2a^2}{b+1}$, $\tilde{b} = \frac{b(b+1)}{2}$, $y = \frac{(b+1)x}{2}$.

$T_c = \frac{1}{\ln 2\sqrt{73}-1}$, $J_2 > 0$ бўлсин.

Параграфнинг асосий натижаси қуйидаги

Теорема 7. Агар $T \geq T_c$ бўлса модель (7) учун ягона парамагнетик трансляцион-инвариант лимит Гиббс ўлчови; агар $T < T_c$ ва $\nu_1(\tilde{b}) < \tilde{a} < \nu_2(\tilde{b})$ (мос равишда агар $\tilde{a} = \nu_1(\tilde{b})$ ёки $\tilde{a} = \nu_2(\tilde{b})$) бўлса аниқ учта (мос равишда иккита) парамагнетик трансляцион-инвариант лимит Гиббс ўлчовлари мавжуд, яъни фаза ўтиши содир бўлади.

3.6 параграфда Поттс модели учун даврий Гиббс ўлчовлари ўрганилган.

$T_c = \frac{J_p}{\ln\left(-\frac{1}{2}+\frac{1}{2}\sqrt{8\sqrt{5}-15}\right)}$ бўлсин.

Параграфнинг асосий натижаси қуйидаги

Теорема 8. Агар $T \geq T_c$ ёки $T \leq T_c$ ва $a \in (b^+, +\infty)$ бўлса, у ҳолда модель (7) (M тўпламда) даври 2 га тенг лимит Гиббс ўлчовлари мавжуд эмас. Агар $T < T_c$ ва $a \in (0, b^+)$ (мос равишда $a = b^+$) бўлса, у ҳолда аниқ иккита (мос равишда битта) даври 2 га тенг лимит Гиббс ўлчовлари мавжуд, яъни фаза ўтишлари содир бўлади.

3.7 параграфда спин қийматлари $\Phi = \{1,2,3,4\}$ лар бўлган Поттс момдели ўрганилган. Унга мос гамильтониан J_1 – яқин қўшнилар ва J_p – бўйлама иккинчи қўшнилар ўзаро таъсирли ва иккинчи тартибли ярим чексиз T^2 Кели дарахти қаралган. Унинг учун фаза ўтишлари масаласи ўрганилган.

Параграфнинг асосий натижаси қуйидаги

Теорема 9. $J_p > 0$ бўлсин. У ҳолда агар $T \geq T_c$ бўлса ягона парамагнетик трансляцион лимит Гиббс ўлчови мавжуд ва агар $T \leq T_c$ бўлса аниқ учта трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари мавжуд, яъни фазавий ўтиш содир бўлади.

Бу ерда $T_c = \frac{J_p}{\ln 4.3690}$ ва $J_p > 0$.

ХУЛОСА

Диссертация иши чекли радиусли потенциалли Гиббс ўлчови ва мос хотирали Марков тасодифий майдони орасида муносабатни аниқлаш, ҳамда Кэли дарахтида аниқланган Изинг ва Поттс типидаги моделлар учун парамагнетик фазалар синфидаги трансляцион-инвариант ва даврий лимит Гиббс ўлчовлари тўпламини тадқиқ этишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. I муносабатли потенциалли Гиббс ўлчови тушунчаси (бу ерда I тўплам $\{1,2,...,k\}$ нинг қисми), I ҳотирали Марков тасодифий майдони ва I муносабатли ўлчов тушунчалари киритилган. Бу учта тушунчалар эквивалент эканлиги исботланган.
2. Потенциал I муносабатли потенциал бўлишлилик критерийси топилган ва исботланган.
3. Бу критерийни эффектини кўрсатувчи мисоллар келтирилган.
4. Кэли дарахтида мос Гамильтониани J_1 яқин қўшнилар, J_2 – бўйлама иккинчи қўшнилар ва J_3 – бир этажли иккинчи қўшнилар ўзаро таъсирли Изинг типидаги модель ва мос Гамильтониани J_1 –яқин қўшнилар ва J_p.– бўйлама иккинчи қўшнилар ўзаро таъсирли учта ва тўртта спин қийматли Поттс модели ўрганилган.
5. Инвариант соҳа аниқланган ва шу соҳада трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари таснифланган.
6. Қаралаётган моделлар учун даврий лимит Гиббс ўлчовлари таснифланган.
7. Битта ва аниқ учта парамагнетик лимит Гиббс ўлчовлари мавжуд бўладиган соҳалар аниқланган.
8. Аниқ иккита 2-даврий лимит Гиббс ўлчовлари мавжуд бўладиган ва умуман мавжуд бўлмайдиган соҳалар аниқланган.
9. Изинг модели учун даврий бўлмаган континуум тўпламдаги Гиббс ўлчовлари мавжудлиги кўрсатилган, натижада номутаносиб фазалар тўплами саноқсиз эканлиги исботланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.09.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ

РАХМАТУЛЛАЕВ АНАСБЕК МУХАММАДЖАНОВИЧ

ГИББСОВСКИЕ МЕРЫ ДЛЯ МОДЕЛЕЙ С ПОТЕНЦИАЛОМ КОНЕЧНОГО РАДИУСА ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.PhD/FM53

Диссертация выполнена в Институте математики имени В.И.Романовского АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http:ik-fizmat@nuu.uz/) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Ганиходжаев Носир Набиевич**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Закиров Ботир Сабитович**
доктор физико-математических наук, профессор

Рахимов Абдугофир Абдумажидович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _________2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.30.09.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2019 года.
(протокол рассылки №________ от «____» _______________2019 года).

А.Садуллаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор, академик

Н.К.Мамадалиев
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.ф.-м.н.

В.И.Чилин
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Решение проблем, возникающих в результате научно-прикладных исследований на мировом уровне, очень часто сводится к задачам теории гиббсовских мер. Теория гиббсовских мер является эффективым объектом исследования в таких сферах, как химия, физика, биоинформатика, медицина, и в других направлениях науки, в частности, в теории фазовых переходов для описания различных моделей равновесной статистической механики. Результаты исследований о продолжении мер служат основой для изучения теории гиббсовских мер. День за днем растет интерес к классическим решетчатым системам статистической механики. Поэтому и для решения наших задач определение существования и полное описание предельных гиббсовских мер в классе парамагнитных фаз для различных моделей остаются одной из актуальных и важных задач.

В настоящее время в мире актуальными проблемами для данного гамильтониана на решетчатых системах являются изучение существования «парамагнитного» гиббсовского распределения, описание множества парамагнитных гиббсовских распределений, определение условий существования парамагнитных фазовых переходов. Парамагнитные фазовые переходы - это изменения производных свойств вещества, которые невозможно увидеть невооруженным глазом, однако они играют важную роль в описании фазовых переходов в изучаемой модели. В связи с этим описание множества «парамагнитных» гиббсовских мер для данного гамильтониана, нахождение парамагнитных трансляционно-инвариантных и периодических гиббсовских распределений являются актуальным направлением научных исследований. Приведенные выше научные исследования являются целевыми.

В нашей стране уделяется особое внимание актуальным аспектам равновесной статистической физики и квантовой механики, которые имеют научное и практическое применение в фундаментальных науках. В том числе особое внимание уделяется развитию теории предельных гиббсовских мер, являющейся основным объектом изучения задач статистической физики. Значительные результаты были достигнуты по построению «парамагнитных» гиббсовских мер для решетчатых систем. Проведение научных исследований на международном уровне по таким важным направлениям, как функциональный анализ, математическая физика и статистическая физика, рассматривается как основная задача фундаментальных исследований[1]. Развитие теории предельных мер Гиббса для моделей определенных на решетчатых системах играет важную роль при реализации указанного постановления.

---

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

Тема и объект исследования настоящей диссертации находятся в русле задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» и ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки, а также в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В. И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

